БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№83 (228) 2018 йил 23 октябрь, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АМЕРИКА – ЎЗБЕКИСТОН САВДО ПАЛАТАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 октябрь куни Ўзбекистонда АҚШ бизнеси ҳафталиги тадбирларида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини алоҳида мамнуният билан қайд этди. Жорий йил май ойида АҚШга амалга оширилган олий даражадаги ташрифнинг самарали натижалари стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаш имконини берди.

АҚШнинг «Женерал Электрик», «Боинг», «СиЭнЭйч Индастриал», «Жон Дир», «Ханивелл», «Силверлиф», «Уайт энд Кейс» ва бошқа кўплаб компаниялари билан савдо-иқтисодий, инвестиция ва инновация соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик кенгаймоқда.

Бугунги кунда машинасозлик, нефть-газ ва газ-кимё, электр энергетикаси, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларини қамраб олган қиймати 5 миллиард доллардан зиёд истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жорий йил бошидан мамлакатимизда АҚШ инвестициялари иштирокида 25 янги корхона ташкил этилди, ўзаро савдо ҳажми икки баробар кўпайди.

Ўзаро манфаатли бизнес ҳамкорликни мустаҳкамлашда таркибига АҚШнинг жаҳонга машҳур 37 та компанияси, инвестиция корпорациялари ва банклари кирган Америка – Ўзбекистон савдо палатаси муҳим роль ўйнаётгани таъкидланди.

Учрашувда иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, аввало, технологиялар соҳасидаги шерикликни ривожлантиришнинг аниқ истиқболлари муҳокама қилинди.

Эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни ўз вақтида амалга ошириш, шунингдек, Палатанинг янги аъзоларини жалб этган ҳолда, инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди.

АҚШ компанияларининг Ўзбекистон бозорида узоқ муддат фаолият юритиши учун қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Кэролин Лэмм давлатимиз раҳбарига самимий қабул ҳамда Палата аъзоларининг мамлакатимиздаги фаолиятига кўрсатилаётган ҳар томонлама кўмак учун АҚШ ишбилармонлар ҳамжамияти номидан чуқурминнатдорлик билдирди.

Ўзбекистонда барча соҳа ва йўналишларда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар тадбиркорлик ташаббусларини муваффақиятли рўёбга чиқаришда кенг имкониятлар яратаётгани қайд этилди.

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси мамлакатларимиз ўртасидаги самарали савдо-иқтисодий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашда фаол иштирок этишга тайёр экани алоҳида таъкидланди.

**ЎзА.**

## ХХР РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА МАКТУБИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жанoби Олийларига**

**Муҳтарам Президент жаноблари!**

Хитой Халқ Республикаси ташкил топганининг 69 йиллиги муносабати билан йўллаган самимий табригингиз учун Сизга чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Жорий йил бошидан Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларида ижобий тенденция давом этиб, ўзаро сиёсий ишонч муттасил мустаҳкамланиб бормоқда. «Бир макон, бир йўл» ташаббусини биргаликда рўёбга чиқаришда янги муваффақиятларга эришилди, халқларимиз ўртасидаги ўзаро англашув ва дўстлик изчил мустаҳкамланмоқда. Сиз билан Циндао шаҳрида ШҲТ саммити доирасидаги учрашувимизни тез-тез эслайман, ушбу учрашувдан сўнг икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича биз қабул қилган янги режалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мен Хитой – Ўзбекистон алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаман, ўртамизда шаклланган амалий муносабатлар ва шахсий дўстликни юксак қадрлайман. Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида изчил ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида бундан буён ҳам Сиз билан яқиндан ҳамкорликни давом эттиришга умид қиламан.

Сизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлидаги олижаноб фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

**Си ЦЗИНЬПИН,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**




## Оҳангарон оҳанрабоси



Тошкент вилоятининг кўҳна Қурама тоғлари этагида жойлашган Оҳангарон шаҳри сўлим табиати, меҳнаткаш аҳолиси, иқтисодий ишлаб чиқариш имкониятлари билан вилоят ҳаётида ўз ўрнига эга. Айниқса, бугун бу ерда янгидан-янги кўп қаватли уйлар, бинолар сони ортиб шаҳар имкониятлари унинг йўлларидек ойдинлашиб, кенгаймоқда.

Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан Оҳангарон шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан оммавий ахборот воситалари вакилларини таништириш мақсадида ташкил этилган медиа-тур доирасида биз ҳам шаҳар ҳаёти билан бироз бўлса-да, танишишга муваффақ бўлдик.

Биламизки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қишлоқ ва маҳаллалар инфратузилмасини тубдан қайта кўриб чиқиш, замон талабларига мувофиқ янгилаш ишлари олиб борилмоқда. Бу янгиланишлар, ўзгаришлар Оҳангарон шаҳрини ҳам четлаб ўтмаган.

– Шаҳримизда катта бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди ва бу жараён давом этмоқда, – дейди Оҳангарон шаҳри ҳокими Одилжон Жўраев. – Асосий мақсадимиз аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, уларни рози қилиш. Қисқа фурсатда, атиги 100 кунлик муддатда сиз кўрган ману бу кўча, уйлар барпо этилди. Магистрал йўлимизни аввалги ҳолати қониқарсиз, архитектура талабларига жавоб бермас, ёритиш тизими кўп йиллардан буён ишламас, оқибатда тез-тез йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлар эди. Йўл четида эса оралиқ масофа икки метр атрофида бўлган, пала-партиш, аксарияти хом ғиштдан қурилган уйлар бўларди. Шаҳримиз бош режасига асосан жами 192 та уй бузилган бўлса, барчанинг розилиги олиниб, жами 34 миллиард сўмга яқин компенсациялар тўланди, ер ажратилди, лойиҳа асосида янги уйлар қурилиб, барча зарур ёрдамлар берилмоқда. Бундан ташқари, кам таъминланган аҳоли учун 10 та 7 қаватли уй қурилмоқда, уларнинг 5 таси жорий йилда, 5 таси келгуси йилда топширилиши режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари бизни янада қўллаб-қувватлаб кўп қаватли уйларнинг бошланғич тўловини 10-15 фоизга тушириб берди. Кредит тўлаш муддати ҳам 15 йилдан 20 йилга узайтирилди. Турар жойларимизни фақат Тошкент вилоят аҳолиси эмас, республикамизнинг бошқа вилоятлари аҳолиси ҳам сотиб олиши мумкин.

*(Давоми 2-бетда)*

## Қурилиш соҳаси янги босқичга қадам қўйди, бироқ унинг меъёрлари ҳамон эскича

### ёхуд қурилиш соҳасига халқаро стандартларни жорий этиш заруриятдир

Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти сўнгги ўн йилда 2,1 баробарга ошган. Бунда қурилиш саноатининг ҳиссаси 6,8 фоизни ташкил қилган.

Дунё ялпи ички маҳсулотида қурилиш саноатининг ҳиссаси 6 фоизни ташкил этганини ҳисобга олсак, Ўзбекистон бу борада илгарилаб бораётганини сезиш қийин эмас.

Қурилиш соҳасида фаолият юритаётган ташкилотлар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Соҳада меҳнат қилувчилар сони иш билан банд аҳолининг 9 фоизини ташкил қилади.

Атрофга назар солсак, янги, замонавий хонадонлар, завод ва фабрикалар, темирйўл ва автомобиль йўллари, электростанциялар ва бошқа иншоотларга кўзимиз тушади. Буларнинг барчаси қурувчилар меҳнати самарасидир.

Айтиб ўтиш керакки, қурилиш ишларининг ҳам ўзига яраша қонун-қоидаси ва меъёрлари бор. Хўш, соҳада мавжуд талабларга қанчалик риоя этилмоқда?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ана шу мақсадга қаратилган ўрганиш ўтказилди.

Ўрганиш давомида қурилиш соҳасини тартибга солувчи амалдаги қурилиш (шаҳарсозлик) норма ва қоидалари, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинди.

*(Давоми 2-бетда)*









Оҳангарон шаҳрида қурилаётган янги массив аҳолиси учун қатор қулайликлар яратилмоқда.



*(Давоми. Боши 1-бетда)*



Янги қурилаётган уйларнинг биринчи қавати маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси учун бўлиб, уйлар икки ва уч хонадан иборат. Уйларнинг ташқи, яъни фасад қисми буюртмачиларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда, бир хилликдан қочиб, якка тартибда катта йўлнинг меъморий кўринишини комплекс равишда ҳисобга олиб, бир-бирини такрорламайдиган қилиб ишлаб чиқилган.

Хонадонлар ва савдо нуқталари харидорларнинг имкониятлари ва хоҳишига кўра, тўлиқ таъмирланган (калити билан) ёки таъмирланмаган (қути) ҳолда топширилиши белгиланган. Муҳими, бунда истеъмолчи-харидорнинг хоҳиш-истаклари ҳисобга олинмоқда.

# Оҳангарон оҳанрабоси

Масалан, харидор таъмирланмаган хонадонни ёки савдо дўконини сотиб олса, имконияти, диди, реал эҳтиёжи ва бошқа жиҳатлардан келиб чиқиб, ўзи мослаштириши мумкин. Бундай тажрибадан дунёнинг етакчи мамлакатларида кенг фойдаланилади ва бу амалиёт ҳар томонлама ўзини оқлаган. Мазкур лойиҳанинг аҳамиятли жиҳати яна шундаки, истеъмолчи, агар уйни тайёр ҳолда қабул қилиб олмоқчи бўлса ҳам унинг талаб ва истаклари ҳисобга олинади. Яъни пудратчи ташкилотлар уйни харидорнинг кўнглидагидек битириб, топшириши мумкин.

– Оҳангарон шаҳрининг Холмуҳаммедова кўчасида 2 та кўп қаватли турар жой қураяпмиз, – дейди "Асака" банкнинг қурилиш-мониторинг бошқармаси бошлиғи Ерназар Абдуғаниев. – Буюртмачимиз «Halal golden meat» масъулияти чекланган жамияти 5 қаватли уйларнинг ташқи фасад қисмини битказиб, ички пардозлаш ишларини олиб бормоқда. Уйлар жорий йил охирига қадар фойдаланишга топширилади. Баъзи хонадонлар аллақачон ўз эгасини топиб ҳам улгурди, тадбиркорларимиз бўлса биринчи қаватларини сотиб олиб савдо ва маиший хизмат кўрсатиш жойлари ташкил этиш ҳаракатида. Асосий мақсадимиз, нафақат Оҳангарон шаҳри, балки бутун Ўзбекистон аҳолиси учун кўркам, намунали уйлар тақдим этиш. Келгусида кўп қаватли уйлар атрофига болалар майдончаси ҳам қуриш режалаштирилган. Уйларни харид қилишда ёш оилалар учун имтиёзлар ҳам кўзда тутилган.

Оҳангарон шаҳрида қурилаётган янги массив аҳолиси учун қатор қулайликлар яратилмоқда. Жумладан, уйларнинг теварагида мактабгача таълим муассасаси, спорт мажмуаси, маҳалла гузари, пиёдалар ва велосипед йўлакчаси, дам олиш жойлари, болалар майдончалари, автомобиль турар жойлари ва бошқа инфратузилма объектлари барпо этилмоқда. Муҳими, шаҳарнинг меъморий қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Бу ўзгаришлар чиройи шаҳар аҳолисининг кайфиятида ҳам ўз аксини топмоқда.

– Уч нафар ўғлим бор, иккитасини уйлантирганмиз, энди кичигини тўй қилиш тараддудидамиз. Ҳаммамиз бир ҳовлида яшаймиз, уй керак, агар имкониятимиз етса кредитга уй олмоқчимиз, – дейди янги уйларни кўздан кечираётган Оҳангарон шаҳар «Бўстон» МФЙ мутахассиси Нафиса Жўраева ЎзА мухбири Инобат Аҳатова билан суҳбатда. – Уйлар билан танишиб чиқаяпман. Улар менга ҳар томонлама маъқул. Энди банклар тақдим этаётган кредит шартларини ҳам ўрганиб, ўғилларимга маслаҳат солмоқчиман. Маҳалламизга яқин, болаларим, набираларим билан тез-тез кўришиб туришга ҳам яхши-да.

Ҳа, инсоннинг қўли гул, деб бежиз айтишмайди, 100 кунда қилинган ишлар кўзни қувнатади. Шаҳарнинг бундан олдинги манзарасини хаёлан томоша қиламиз. Тор ва тирбанд, тартибсиз кўчалар. Ҳар куни бирон кўнгилсизлик воқеа – йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлади. Демак кимнингдир оиласига ғам оралайди... Бу кўчалар бўйидаги пастқам, хом ғиштдан курилган уйлар кайфиятингизга янада тушкунлик улашаверади. Баҳру дилингиз ёзилмаган жойга эса бошқа боргингиз келмайди. Агар шу ерда яшасангиз, ишингизда унум бўлмайди. Бугун бу кўчаларда тамомила кўтаринки кайфият тантанасини кўрасиз. Одамлардаги ҳаётдан рози бўлиб яшаш завқини дилдан туясиз. Шу тариқа Оҳангарон оҳанрабоси сизни ҳам ўзига торта бошлайди. Обод кўчалар четидаги «Кеча ва бугун» ёзуви остидаги суратларни кўриб хаёлимиздан шундай ўйлар кечди.

# Қурилиш соҳаси янги босқичга қадам қўйди, бироқ унинг меъёрлари ҳамон эскича

## ёхуд қурилиш соҳасига халқаро стандартларни жорий этиш зарурияти

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Маълум бўлишича, қурилиш норма ва қоидаларининг ягона реестри мавжуд эмас ва уларнинг ҳисоби юритилмаган. Қурилишга оид 334 норма ва қоида мавжуд бўлиб, ўрганишда уларнинг 274 таси қамраб олинди. 60 га яқин шундай норманинг матни тўлиқ эмаслиги аён бўлди. Норма ва қоидаларни ўз вақтида янгилаб боришга эътибор қаратилмаган.

Амалда бўлган норма ва қоидалар ичида кодоскоп, фильмоскоп ва лентали диафильмлар, кондиционер БК-2500 ва бошқалар, уйларнинг қаватларини чеклашга оид нормалар мавжуд. Булар ўтган асрнинг 60-70 йилларида ишлаб чиқилган қоидалар бўлиб, ҳозирги кун талабларига мутлақо тўғри келмайди.

Амалиётда архитектура-қурилиш ишларини амалга оширишда кенг фойдаланилаётган замонавий инновацион усуллар, энергия самарадорлигини оширадиган ва уни тежайдиган ҳамда бошқа янги технологиялардан фойдаланилиш мавжуд қоидаларда назарда тутилмаган.

Бу халқаро қурилиш стандартлари асосида миллий стандартларни ишлаб чиқиш салоҳиятига эга ёш ва малакали кадрлар етишмаслиги оқибати, албатта.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда шаҳарсозлик норма ва қоидаларини ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш билан давлат секторидаги ўттизга яқин ташкилот шуғулланмоқда.

Уларда фаолият юритаётган 36 мутахассисдан тенг ярми олтмиш ёшдан юқори, 5 нафари 50-60, 11 нафари 30-50, атиги 2 нафари 30 ёшгача бўлган шахсларни ташкил этади.

Адлия вазирлиги ўрганиш таҳлилига кўра, соҳада асосан катта авлод вакиллари иш юритмоқда. Улар асосан 80-90 йилларда таълим олганини ҳисобга олсак, иш юритиш ҳам эски услубларда олиб борилаётганини англаш қийин эмас. Мутахассисларнинг эскича фикрлаши, айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам янгиланмагани қурилиш соҳаси ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўрганиш ишлари давомида қурилиш соҳасининг кескин ривожланиши ҳамда замонавий стандартлар, инновацион ғоялар ва технологияларни қисқа муддатда жорий этишга тўсқинлик қилувчи юқоридаги каби ва бошқа тизимли муаммо ҳамда камчиликлар борлиги аниқланди.

Бу эса, ўз навбатида, уларнинг танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқилишини, соддалаштириш ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни тақозо этмоқда.

Қурилиш соҳаси ривожининг жорий босқичида шаҳарсозик норма ва қоидалари қурилишда нархларнинг бозор қиймати бўйича шаклланишига тўсқинлик қилмоқда. Уларда қурилиш ташкилотларининг рентабеллиги назарда тутилмаган. Қурилиш ташкилотларининг тадбиркорлик субъектлари сифатида даромад топишининг шаффоф механизми мавжуд эмас.

Шунингдек, қурилиш ташкилотларидан лойиҳа қийматининг 5 фоизи миқдорида кафолат суммаси ушлаб қолинади ва қурилиш якунланиб, объект фойдаланишга топширилгандан сўнг қайтарилади. Бироқ ушбу сумма қурилиш ташкилотларининг амалдаги фойдасидан деярли икки баробар юқори.

Ўзининг молиявий ҳолатини ушлаб туриш мақсадида қурилиш ташкилотлари турли «ноқонуний йўллар»дан фойдаланмоқда. Сифатсиз ва арзон қурилиш ашёларидан фойдаланиб, малакасиз мутахассисларни жалб қилган ҳолда пулларни иқтисод қилмоқда ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар кузатилмоқда. Бу, ўз навбатида, қонунбузилишларга олиб келмоқда.

Қонунчиликда техник назорат ва муаллифлик назоратини амалга оширувчи шахсларга талаб қўйилмаган. Уларни ўқитиш, малакасини ошириш ва сертификат бериш тартиби мавжуд эмас. Амалда қурилиш соҳасига алоқадор бўлмаган шахслар ҳам техник назорат ва муаллифлик назоратини амалга оширмоқда.

Шу билан бирга, илғор хорижий тажриба ўрганилганда, аксарият ривожланган давлатларда қурилиш соҳасида бир неча маротабаислоҳотлар ўтказилгани аён бўлди. Натижада Еврокодлар (Германия, Буюк Британия, Франция, Финляндия, Туркия, Сингапур, Малайзия ва бошқа) ва IBC (АҚШ, Гаити, Ямайка, Мексика, Грузия, БАА ва бошқа) каби халқаро стандартлар жорий этилган. Амалиётда бинонинг 3D модели яратилиб, бино битгунига қадар кузатиб борувчи BIM-технологиялардан фойдаланилаётир.

Еврокод, IBC ва шаҳарсозлик норма ва қоидаларининг фарқи шундаки, халқаро стандартлар эришилиши лозим бўлган параметрларни белгилаб, ҳисоб-китоб қилиш тартибини кўрсатади. Маҳаллий стандартлар эса мустаҳкамликдан бошлаб санитар ва ижтимоий стандартлар ҳамда қурилиш билан боғлиқ барча талабларни тўғридан-тўғри қатъий белгиловчи, уларга эришиш йўллари ва муҳандислик усулларни ўрнатади.

Еврокод ва IBCлар янги технологиялар жорий этилишига мослашувчан ҳисобланади. Шаҳарсозлик норма ва қоидалари эса қатъий бўлиб ва янги технологиялар жорий этилишини инобатга олмайди.

Ўрганиш якунларига кўра Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган таклифлар тегишли ташкилотларга юборилди.

Адлия вазирлиги эътибор қаратган қурилиш соҳаси нафақат мамлакат, балки ҳар бир фуқаро ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Нафақат замонавий, кўркам, балки мустаҳкам бинолар, хонадонларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Шундай экан, соҳанинг пойдевори бўлган норма ва қоидаларни янгилаш, замонавий мутахассислар тайёрлаш, буларнинг барчасини халқаро стандартлар даражасига кўтариш шарт.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**


## Приглашение на участие в конкурсных торгах

**Республика Узбекистан**
**Проект: «Строительство современных сельских домов» (Фаза-2)**
**с участием Исламского банка развития**
**Строительство подъездных и внутримассивных дорог**
**Форма финансирования:** «Истисна'а»
**ПРОЕКТ №УЗБ-1001.**
**№ контракта/тендерных торгов ИБР-2018/3**
**Издано 06.08.2018 на сайте www.tenderweek.uz**

1. Республика Узбекистан подписала финансовое соглашение с Исламским банком развития по реализации проекта «Строительство современных сельских домов» (Проект) (Фаза-2), и намерена использовать часть финансовых средств на строительство подъездных и внутримассивных дорог в сельских местностях Наманганской области Республики Узбекистан в рамках Проекта. ИК ООО «Кишлок курилиш инвест» («Заказчик») настоящим приглашает правомочных участников к подаче своих конкурсных предложений в запечатанном виде, на осуществление строительства подъездных и внутримассивных дорог.

**Срок строительства составляет семь (7) месяцев.**

2. Участники торгов могут подавать свои конкурсные предложения по одному или нескольким лотам, как указано в тендерных документациях. Участники могут предоставить скидку в случае присуждения одного или более контракта, при условии, что данная скидка отражена в Письме предложений.

3. Национальные конкурсные торги (НКТ) будут проводиться в соответствии с процедурой ИБР для товаров и работ в рамках финансирования ИБР (издание от 2009 г.), и доступны всем правомочным участникам, как описано в тендерных документациях.

4. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию в Территориальном консалтинговом центре по конкурсным торгам и ценообразованию по адресу ниже в течение рабочего времени от 10.00 до 17.00.

**Наманганская область**
**Адрес:** г. Наманган, ул. Навои, 22.
**Телефон:** 69-227-94-30.
**Факс:** 69-227-91-47.

5. Полный комплект тендерной документации на русском языке, может быть приобретен правомочными участниками по представлению письменного заявления на имя организаторов торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 МЗРП.

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующему Территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию.

**Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:**

**Наманганская область**
**Банк:** АТБ «Хамкорбанк» филиал Yuksalish
**Р/с** 2021 0000 8031 9675 2001
**ИНН** 202 393 842

6. **Конкурсные предложения должны быть представлены:**

по вышеуказанному адресу;

**до истечения крайнего срока подачи предложения:** согласно дате, указанной в перечне контрактов;

необходимо представить Банковскую гарантию для конкурсного предложения.

**Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок, в присутствии представителей участников торгов, изъявивших желание присутствовать по нижеуказанному адресу:**

**Наманганская область**
**Адрес:** г. Наманган, ул. Навои, 22.
**Телефон:** 69-227-94-30.
**Факс:** 69-227-91-47.

7. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

**ПРИГЛАШЕНИЕ № ИБР-2018/3**
**ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ**
**Проект: «Строительство современного сельского жилья» (Фаза-2)**

**ПЕРЕЧЕНЬ КОНТРАКТОВ**

| № лота | Район | Массив | Протяжённость (км) подъездных и внутримассивных дорог | Конечный срок подачи предложений |
|---|---|---|---|---|
| Наманганская область | | | | |
| ИБР-319 | Касансай | «Дустлик», «Гурмирон», «Гузар» | 1,63 | 5 ноября 2018 года, 10.00 |
| ИБР-320 | Норин, Учкурган | «Шурарик», «Туда», «Курама», Навои, «Истикбол», «Каттамугол», «Кугай», «Мустакиллик» | 2,65 | 5 ноября 2018 года, 10.00 |
| ИБР-321 | Наманган, Уйчи, Чартак | «Кумкурган», «Гулдиров», «Тепакурган», «Кичик Тошбулак», «Бог», «Гайрат», Беруний, «Октош», «Тупкайрагач», «Дустлик», «Мустакиллик», «Корабог» | 2,57 | 5 ноября 2018 года, 10.30 |
| ИБР-322 | Пап, Туракурган | «Пахтакор», «Шарк», «Тошкент», | 2,31 | 5 ноября 2018 года, 10.30 |
| ИБР-323 | Чуст | «Тоймас», «Гулзор» | 3,52 | 5 ноября 2018 года, 11.00 |
| Итого по области | | | 12,67 | |

## ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

## Управление охраны при УВД Ташкентской области

**обявляет тендерные торги по объекту:**
**Строительство административного здания отдела охраны Алмалыкского ГОВД Ташкентской области.**

**Предельная стоимость заказчика составляет –**
2 077 445 110 сум с НДС;
1 731 204 260 сум без НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком – 120 дней.

**Источник финансирования проекта:** за счет собственных средств заказчика.

Организатор торгов: Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Министерства строительства Республики Узбекистан.

**Заказчик:** Управление охраны при УВД Ташкентской области.

**Адрес заказчика:** Ташкентский область, Кибрайский район, пос. Салар, ул. Зиёкорлар, 1-50.

**Телефон:** 71-260-63-88, 71-260-56-68.

**К претендентам на участие в тендрне торгах предъявляются следующие квалификационные требования:** оборотных средств, в размере 20 % от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

**При участии в тендере торгах отечественных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции:** при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

**Для участия на торгах и приобретения тендерной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу:** г.Ташкент, ул. Навои, 18, комната 312.

**Телефон (факс):** (71) 241-15-26.

Участники тендера торгов имеют право требовать от заказчика или организатора конкурсных торгов, для ознакомления, проектную документацию, в т.ч. графическую часть (чертежи) в целях изучения и составления конкурсного предложения.

**Стоимость одного комплекта тендерной документации** – 300 000 сум.

**Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу:** г.Ташкент, ул. Навои, 18, комната 312.

Вскрытие оферт состоится по истечении 30 дней со дня опубликования объявления.

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

## «ABDUSHUKUR RIELTOR NURMUHAMMAD» масъулияти чекланган жамияти

**тўғридан-тўғри музокаралар орқали ўтказиладиган оммавий оферта савдосига таклиф қилади!**

Оммавий оферта савдосига АЖ «Уз-Донг Вон КО» қўшма корхонасининг 2018 йил 17 октябрдаги 3012-сонли алоқа хатига асосан АЖ «Уз-Донг Вон КО» қўшма корхонаси балансидаги Андижон вилояти, Хонобод шаҳри, «Ишчилар» кўчаси 1-уйда жойлашган **ер участкасининг майдони** – 10 800 квадрат метр, **умумий қурилиш майдони** – 391,23 квадрат метрдан иборат бўлган 0015-литердаги ёрдамчи цех ҳамда 0017-литердаги тарозихона бино ва иншоотлари қўйилган. **Бошланғич баҳоси** – 115 468 441 (бир юз ўн беш миллион тўрт юз олтмиш саккиз минг тўрт юз қирқ бир) сўм.

Оммавий оферта савдосига қўйилган бино ва иншоотлар эълон чиққан санадан бошлаб, бошланғич баҳосидан кам бўлмаган нархда биринчи бўлиб мурожаат қилган юридик ёки жисмоний шахсларга сотилади.

Оммавий оферта савдосига қўйилган мол-мулкка қизиқиш билдирган талабгорлар АЖ «Уз-Донг Вон КО» қўшма корхонасининг масъул ходимлари иштирокида мулк билан бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

**Оммавий оферта савдосида иштирок этмоқчи бўлган талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:**

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, агарда унинг вакили бўлса, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома;

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома ва ташкилот устави нусхаси. Агар савдода ваколатли шахс қатнашган тақдирда, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома.

**Маълумот учун манзил:** Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй, 107-хона.

**Телефон:** (998 91) 606-88-81.

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR 0081 рақамли лицензия.*



Вскрытие тендерных предложений осуществляется после окончания 30 дней со дня опубликования данного объявления в средствах массовой информации, согласно нижеприведенной таблице, в присутствии представителей участников торгов по нижеуказанному адресу.



# ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ И ОБОРУДОВАНИЕ

## **Программа:** «Строительство достуных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности»

## Тендерные торги проводится для закупа строительных материалов и оборудование по строительству 8 996 домов в сельской местности.

**Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию от организатора тендерных торгов – ИК ООО «Кишлок курилиш инвест» по адресу:** 100060, г. Ташкент, Мирабадский район, улица Шахрисабзская, 36 в течение рабочего времени от 10.00 до 17.00.

Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, может быт приобретен со стороны правомочных участников по представлению письменного заявления на организатора торга на вышеуказанный адрес.

Все предложения должны быть предоставлены организатору тендерных торгов – ИК ООО «Кишлок курилиш инвест» в рабочее время (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по вышеуказанному адресу в течение 30 дней со дня опубликования данного объявления в средствах массовой информации. Тендерные предложения будут получены организатором тендерных торгов в день или раньше конечного срока подачи предложений. Если последний срок подачи тендерных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

Требуется приложить Тендерную гарантию к предложениям. Вскрытие тендерных предложений осуществляется после окончания 30 дней со дня опубликования данного объявления в средствах массовой информации, согласно нижеприведенной таблице, в присутствии представителей участников торгов по вышеуказанному адресу.

### Приглашение для участия тендерных торгах
### Программа «Строителсьтво доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности»

